



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 1 (03)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 1-son 2026 yil*

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

1

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

| | |
|---|-----|
| Tursunov A.M. O‘zbekiston elektroenergetikasini rivojlantirishda innovatsion texnologiyalar va “Yashil” energetikaning o‘rni..... | 7 |
| Abdulazizov A.A. Raqamlashtirish sharoitida energetika sanoati korxonalarining barqaror rivojlanish omillari..... | 11 |
| Jurayev D.A. Электротехника sanoati korxonalarida ishlab chiqarish jarayoniga taʼsir etuvchi omillar..... | 15 |
| Suyarov Sh.S. Konchilik sanoati korxonalarida resurs salohiyatidan samarali foydalanish..... | 18 |
| Кариева Л.С. Энергетика sanoati korxonalarining ishlab chiqarish samaradorligini oshirish yo‘llari..... | 21 |
| Axtamov A.U. Aksionerlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvning moliyaviy samaradorlikka taʼsiri xususida..... | 25 |
| Гафуров А.Б. Значение цифровой трансформации управления образованием в высших учебных заведениях..... | 29 |
| Абиткариев А.М. Значение развития человеческого капитала и стимулирования трудовой деятельности..... | 33 |
| Abdullayev D.G’. Intellektual kapital: tushunchasi, mazmuni va taraqqiyoti..... | 37 |
| Abdullayev M.G’. Xodimlarning professional rivojlanishini baholash usullari..... | 42 |
| Isakov A.Y. Tadbirkorlik sub’yektlarida raqobat ustunliklarini shakllantirishning asosiy omillari..... | 46 |
| Ashurova G.N. Charm poyabzal sanoatining xom-ashyo ishlab chiqarish va uning zahira resurslari..... | 52 |
| Yo‘ldosheva M.F. O‘zbekistonda davlat budjeti daromad va xarajatlarining tarkibi va ularning statistik tahlili..... | 56 |
| Қулматов А.А. Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikni mintaqalarda qo‘llab-quvvatlash mexanizmlari..... | 61 |
| Babayev A.N. Yoshlar bandligini taʼminlashni boshqarishning nazariy-metodologik asoslari va institutsional mexanizmlari..... | 67 |
| Sharipov H.A. Oilaviy tadbirkorlikning iqtisodiy mazmuni va xo‘jalik yuritish shakli sifatidagi o‘ziga xos belgilari..... | 71 |
| Турдиева Я. Анализ коррупционных рисков в системе гчп в сфере дошкольного образования..... | 75 |
| Vaxidov A.K. Personalni tanlash va ishga yollashning xorijiy tajribalari..... | 78 |
| Gaymatova D.G’. Biznes faoliyatini samaradorligini oshirishda iqtisodiy-matematik tahlil..... | 83 |
| Pardayev E.E. Xizmat ko‘rsatish jarayonlarini boshqarishda raqamli texnologiyalarning iqtisodiy samaradorligi..... | 87 |
| Ibragimova S.A., Muradov Sh.D. Aksiyadorlik jamiyatlari boshqaruvida innovatsion usullarni joriy etishning zamonaviy tendensiyalari..... | 91 |
| Адилов Б.Б. Социальные услуги в Республике Узбекистан: современное состояние, проблемы и перспективы развития..... | 96 |
| Yoqubova Z.T. Tarkibiy o‘zgarishlar va iqtisodiy o‘sish o‘rtasidagi mutanosiblikni taʼminlashning konseptual asoslari..... | 101 |
| Saidaxmedova N.I., Aripov A.S. Oliy taʼlim tashkilotlari boshqaruv tizimini shakllantirishda iqtisodiy nazariyalarning metodologik ahamiyati..... | 106 |
| Abduvovyeva X.Sh. O‘zbekistonda davlat ijtimoiy xarajatlarining aholi farovonligiga taʼsirining korrelyatsion–regression tahlili..... | 111 |
| Умаров А.А. Хорижий тажрибаларга асосан янги банк хизматларини жорий этилишини ривожлантириш натижасида тижорат банкларини хизматлар жозибadorligini oshirish... | 116 |
| Shoraximova Z.N. «O‘zbekistonda sug‘urta kompaniyalarida qayta sug‘urta orqali risklarni diversifikatsiya qilish samaradorligini baholash»..... | 120 |
| Умурзакова З.С. Меҳнат омилидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари..... | 126 |
| Karimov X.O. Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish orqali aholi daromadlarini oshirishning institutsional strategiyalari..... | 130 |

| | |
|---|------------|
| Aхунов М.А. Корхона иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари. | 134 |
| Ахмаджонов С.С. Корхона асосий фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг ижтимоий-иқтисодий самараси..... | 138 |
| Abdullayeva Sh.А. Veb-texnologiyaga asoslangan bir turdagi tovar zaxiralarini boshqarish va amaliy masalalarni optimallashtirish..... | 142 |
| Дусанов С.М. Таълим тизимида рақобат муҳитини ривожлантиришнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш аҳамияти..... | 146 |
| Мамаражобов А.С. Tadbirkorlik subyektlarining tashqi savdo faoliyati natijalarini reytinglash va undan foydalanish masalalari..... | 151 |
| Nigmatova D.Z., Amanov E.G’. Kadrlar qo‘nimsizligining korxonalarida samaradorligiga ta’siri..... | 157 |
| Ikromjonova M.U. To‘qimachilik korxonalarida mahsulot tannarxini kalkulyatsiya qilishning iqtisodiy mohiyati va tarkibi..... | 160 |
| Madaminjonov A.O. To‘qimachilik korxonalarida tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish va sotish hisobini rivojlantirishning iqtisodiy jihatlari..... | 164 |
| Jamoliddinova S.S. Ustama xarajatlarning iqtisodiy mohiyati, tarkibi va ishlab chiqarish tannarxini shakllantirishdagi o‘rni..... | 168 |
| Akbaraliyev A.E. O‘zbekiston Respublikasida investitsiya siyosati va investitsiya dasturlarining iqtisodiy rivojlanishdagi o‘rni..... | 173 |
| Эрматова С.И. Учет обязательств в хозяйствующих субъектах..... | 178 |
| Maxsudov Sh.S. To‘qimachilik sanoati korxonalar faoliyati samaradorlikni monitoring qilishning ahamiyati..... | 181 |
| Boyev X.I., Adilov B.B. Mahalliy byudjetlar barqarorligi — ijtimoiy himoya tizimini mustahkamlash omili sifatida..... | 186 |
| Raxmonova N.A. Biznes ta’limida raqamli transformatsiya va innovatsion o‘qitish strategiyalari..... | 190 |
| Якубова Д.М. Применение экономико-математических моделей в промышленном производстве..... | 194 |
| Ibrohimov N.B., Jabbarov K.Y. Aylanma iqtisodiyotga o‘tishning fundamental asoslari: chiziqli modelning cheklovlari va barqaror rivojlanish imkoniyatlari..... | 198 |
| Matyoqubova D.O. Biznes tuzilmalarining innovatsion rivojlanishini diversifikatsiya qilish..... | 202 |
| Rahmatullayeva F. Andijon viloyatida yoshlar tadbirkorligi rivojlanishining tarmoqlararo diversifikatsiyasi va iqtisodiy faollikka ta’siri..... | 206 |
| Mamajonov L.A. Mahalliy byudjet daromadlarining barqarorligini ta’minlash yo‘nalishlari..... | 209 |
| Давруков Ф.У. Инновационные механизмы демонополизации в условиях цифровой трансформации экономики Республики Узбекистан..... | 213 |
| Убайдуллаева Н.Р. Роль перестрахования в управлении катастрофическими рисками и обеспечении финансовой устойчивости страховых компаний..... | 222 |
| Abdullayev A.A. Tijorat banklari orqali kichik biznesni moliyalashtirish samaradorligini oshirish mexanizmlari..... | 227 |
| Alimov O.N. O‘zbekiston Respublikasida jamg‘arib boriladigan pensiya ta’minoti tizimining huquqiy asoslari va rivojlanish istiqbollari..... | 230 |
| Sultonov B.M. Oilaviy korxonalar faoliyatini boshqarishda va boshqaruv mexanizmi bo‘yicha institutsional asoslari..... | 235 |
| Mamajonova N.A. Innovatsion rivojlanish sharoitida iqtisodiy tizimlarni boshqarish nazariyalarining transformatsiyasi hamda uning evolyutsiyasi..... | 239 |
| Sanaqulova A. O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotga o‘tish: muammolar va imkoniyatlar..... | 243 |
| Nazarov N.N. Hududiy barqaror rivojlantirish strategiyasini shakllantirishning metodologik asoslarini takomillashtirish..... | 247 |
| Toshpulatov A.M. Qurilish materiallari sanoati korxonalarida ishlab chiqarish hajminiga oid qarashlar va uning mohiyati..... | 251 |
| Sanaqulova A., Ochilova M. Bugungi kunda raqamli iqtisodiyot..... | 254 |
| Umarov I.Y. Xalqaro darajada sifat menejmenti va ISO standartlarini rivojlanish tendensiyalari tahlili.... | 257 |

3. Mickiewicz, T., Sauka, A., & Stephan, U. (2018). On the compatibility of institutions and entrepreneurship. *Industrial and Corporate Change*, 27(2), 259 - 278.
4. Szerb, L., Acs, Z. J., & Autio, E. (2018). The entrepreneurial ecosystem: Theoretical foundations and policy implications. *Small Business Economics*, 51(2), 501–514.
5. Bella, R. L. F., Leal Filho, W., Sigahi, T. F. A. C., Rampasso, I. S., Quelhas, O. L. G., Bella, L. F., Moraes, G. H. S. M., & Anholon, R. (2024). Small- and medium-sized enterprises: Trends and future perspectives for sustainability and digitalization in Germany. *Sustainability*, 16, 6900.
6. Qo‘chqorov, A. (2020). Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning institutsional omillari. *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (4), 45–53.
7. Yo‘ldoshev, B. (2021). Tadbirkorlikni rivojlantirish va aholi daromadlarini oshirishning institutsional mexanizmlari. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, (2), 62–70.
8. Абдульманов, Б. А., & Николаев, В. А. (2025). Институциональные условия управления развитием малого бизнеса в региональных экономических системах. *Теория и практика общественного развития*, (11), 134-141.
9. Киреев, Н. Н. (2019). Механизм оценки и повышения эффективности развития малого бизнеса в регионе. *Экономика и управление народным хозяйством (региональная экономика)* 2019. С, 12-24.
10. Жура, С. Е. (2021). Инфраструктурное обеспечение развития малого бизнеса: институциональный подход (Doctoral dissertation, М.: 00.08. 05. Жура Светлана Егоровна. М.: Рос. экон. ун-т им. ГВ Плеханова).

УДК: 658.15

**КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ
ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ**

**MAIN DIRECTIONS FOR ENSURING THE ECONOMIC EFFICIENCY OF AN
ENTERPRISE**

Ахунов Мухаммадамин Абдуваситович

Андижон давлат техника институти “Иқтисодиёт” кафедраси доценти

Аннотация

Ушбу мақолада корхона иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган. Корхона фаолиятида меҳнат, капитал ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда харажатларни камайтириш масалалари ёритилган. Шунингдек, меҳнат унумдорлигини ошириш, инновацион технологияларни жорий этиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва рақобатбардошликни кучайтириш орқали иқтисодий самарадорликни юксалтириш йўллари таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишда амалий аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: корхона, иқтисодий самарадорлик, меҳнат унумдорлиги, ресурслардан фойдаланиш, инновация, харажатлар, бошқарув.

В статье исследуются основные направления обеспечения экономической эффективности предприятия. Рассматриваются вопросы повышения объемов производства и снижения затрат за счет эффективного использования трудовых, материальных и финансовых ресурсов. Особое внимание уделено повышению производительности труда, внедрению

инновационных технологий, совершенствованию системы управления и укреплению конкурентоспособности предприятия. Результаты исследования имеют практическое значение для повышения эффективности деятельности предприятий.

Ключевые слова: предприятие, экономическая эффективность, производительность труда, использование ресурсов, инновации, затраты, управление.

This article examines the main directions for ensuring the economic efficiency of an enterprise. The issues of increasing production volume and reducing costs through the effective use of labor, material, and financial resources are analyzed. Special attention is paid to improving labor productivity, implementing innovative technologies, enhancing management systems, and strengthening enterprise competitiveness. The research results have practical significance for improving enterprise performance.

Keywords: enterprise, economic efficiency, labor productivity, resource utilization, innovation, costs, management.

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар қандай корхоналар олдидаги асосий вазифалардан бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот таннархини пасайтириш шу билан бирга мавжуд имконият ва ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда тез ўзгарувчан бозор шароитлари талабларига ҳамоҳанг ҳолда мослашувчанликни шакллантириш зарур.

Корхонани ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва бошқа соҳаларидаги хўжалик фаолияти натижалари унга таъсир этаётган турли омилларнинг ўзаро боғлиқлигига ва натижавий кўрсаткичга таъсирига боғлиқ равишда ўзгаради.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш ресурсларини тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни бозор талабига мослаштириш ва ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш корхоналарни асосий вазифаси ҳисобланади.

Бугунги кунда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Юртимизда ишлаб чиқариш корхоналарини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойил ишончли тизим ва механизмларни шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

2025 йил январь–октябрда йирик корхоналар томонидан 8 триллион сўмлик қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарилган, бу 2024 йилга нисбатан 5,9 %га ўсган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши 2025 йилнинг 1 ноябрь ҳолатида корхоналарнинг $\approx 32,5$ % савдо соҳасида, 12,6 % саноатда, 7,3 % қишлоқ хўжалигида фаолият юритмоқда [4]. Бу кўрсаткичлар корхоналарнинг иқтисодий фаоллик структурасини кўрсатади — уларнинг самарадорлигини ошириш учун тармоқлар бўйича турли йўналишларда стратегик чоралар зарурлигини ақс эттиради.

Мамлакатимизда эришилаётган иқтисодий натижалар, яратилган ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш даражасини баҳолашда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар давомийлигини таъминлашни ўрганиш бугунги кундаги долзарб масала ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий мезони бу самарали меҳнат, яъни даромад бирлигига тўғри келган харажатларнинг минимал даражасига эришиш. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг узлуксиз пасайиши бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш усулининг қонуниятидир. У меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ўсиши, меҳнатқашлар маданий, техникавий даражасини юксалиши, моддий ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш, хўжалик юритиш усуллариининг такомиллаштириши билан таъминланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш учун курашнинг аҳамияти йилдан йилга ошиб бормоқда, чунки уни пасайтиришнинг ҳар бир фоизнинг абсолют ҳажми ўсиб бормоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, умуман республика бўйича саноат маҳсулоти таннархини фақат 1% га пасайтирилса 3 млрд. сўм миқдорида иқтисод қилинади.

Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайтиришнинг йўлларини келтирамиз. Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайтиришда ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш катта таъсир кўрсатади. Янги техникани жорий қилиш ва маҳсулот тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш жараёналарининг камайишига комплекс таъсир кўрсатади.

Улар моддий ресурслардан янада самаралироқ фойдаланиш, буюмларни тайёрлашга кетадиган меҳнат сарфини камайитириш имконини беради.

Амалдаги жиҳозларни замонавийлаштириш ҳамда қўлланилаётган техникадан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини анчагина камайитиришга эришиш мумкин. Янги техника ва прогрессив технология асосида утган ва жонли меҳнатни тежашга эришилади. Моддий ресурслардан буюклашган ўтган меҳнатни тежаш худди шу миқдордаги хомашё ва материаллардан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради ҳамда жонли меҳнат сарфини тежаш маҳсулот унумдорлигини ошириш имконини беради, яъни ҳар бир ишчига ҳисобланаганда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон яратади.

Бунга фан-техника тараққиёти ёрдам беради. Янги техника ва илғор технология ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш асосида меҳнат унумдорлиги ошиб боради бу эса ишлаб чиқариш харажатларини камайитиришга олиб келади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи энг муҳим омил — бу фан ва техника тараққиёти ҳисобланади. Охириги вақтларгача фан-техника тараққиёти эволюцион тарзда ривожланиб келди. Бугунги кунда янги техникалар бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш етарли даражада эмас эди. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳозирги шароитида фан ва техниканинг охириги ютуқлари асосида халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги техника ва технологияларни жорий қилишга қаратилган сифат ўзгаришларни амалга ошириш лозим[1].

Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- илғор технологияларни кенг ўзлаштириш;
- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш;

Металл маҳсулотлар, пластик қоричма, композитлар, металл кукунлар, керамик ва бошқа прогрессив тузилишли материалларнинг янги шаклларини яратиш ва ундан фойдаланиш. Маълумки, иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида техника тараққиётининг характери ва мазмуни ўз хусусиятларига эга бўлади. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида фан-техника тараққиёти ундаги миқдорий ўзгаришларгагина эмас, балки кўпроқ сифат ўзгаришларига қаратилади. Умуман, самарадорлик иқтисодиётдаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир, бу талаб фан-техника тараққиётига ҳам тўлиқ жорий этилади.

Саноат ишлаб чиқариш ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини юқори даражага кўтаришда инсон омилнинг роли бекиёсдир. Инсонларнинг ташаббуси, куч-ғайрати, жонли ижодиёти ҳар қандай тараққиётнинг қудратли кучи ва энг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам инсонни жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи деб айтадилар. У барча янгиликларни, шу жумладан, янги, илғор техника-технологияларни яратади, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этади, илмий ва амалий кашфиётлар қилади. Барча ишлаб чиқариш воситалари инсон меҳнати билан ҳаракатга келтирилади, фойдали нарсалар ҳосил қилинади. Бироқ инсон фақат асосий ишлаб чиқарувчи кучгина эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳамдир. Одамлар фаолияти шу муносабатлар орқали рўёбга чиқади. Бу фаолият йўналиши ва натижалари ходимнинг ўз фаолиятида қандай ўй-фикрларга, тасаввурларга, мақсадларга, ҳаётий йўл-йўриқларга, муддаоларга ва психологик эътиқодларга амал қилишига боғлиқ. Шу сабабли инсон омилнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни таҳлил этилганда гап фақат инсон ҳақидагина эмас, балки аввало инсон яшаб, меҳнат қилаётган ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими билан белгиланувчи ижтимоий сифатлар, фаолиятни рағбатлантирувчи омиллар ва муддаолар ҳақида бориши керак. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи яна бир муҳим омил бу — тежамкорлик режими ҳисобланади. Ресурсларни тежаш ёнилғи, энергия, хомашё ва

материалларга бўлган ўсиб боровчи талабни қондиришининг асосий манбаига айланиши лозим. Бу муаммоларни ечишда саноат асосий ўринни эгаллайди. Бу тармоқда хомашё ва ёнилғи-энергетик ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган машина ва ускуналарни жорий қилиш лозим.

Моддий ва пул маблағларини сарфлашда қатъий иқтисодий тежашга риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Асбоб ускуналарни асрашга дори сарфларини камайтириш, материал шунингдек ишлаб чиқариш чиқиндиларидан максимал фойдаланиш. Брак натижасида рўй берадиган нобудгарчиликларни камайтириш фондларининг самарадорлик даражасини ошириш, иш хати фондини рационал сарфлаш цех ва умумзавод харажатларини камайтириш буларнинг барчаси у ёки бу даражасида маҳсулотнинг арзонлашувига таъсир кўрсатади.

Моддий техника таъминотини яхшилаш ишлаб чиқариш харажатларини камайишига олиб келади. Корхонанинг хом ашё материал, ёқилғи ва энергия етказиб беришнинг узилиб қолиши ишлаб чиқариш ритмини бузишга бекор туриб қолишларига ой охирида ҳайбаракаллачиликка ва оқибат натижада унумсиз харажатларга олиб келади. Корхона иқтисодиётга ҳаддан ташқари нормативдан ортикча захираларни бўлиши ҳам салбий таъсир кўрсатади. Захира кўпайиб кетганда айланма маблағлари ошиб кетади, молиявий аҳвол ёмонлашади, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги пасайиб кетади.[2]

Саноат корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва моддий техник ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник — иқтисодий даражасини кўтариш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатини қисқартириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперациялаш, ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;

2. бошқаришнинг структурасини, молиялаш, баҳолаш ва кредитлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш

3. дебиторлик қарзларини камайтириш, ишлаб чиқариш захираларини тўғри ташкил этиш, асосий ва айланма фондлар мутаносиблигини таъминлаш;

4. ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш, маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш асосида самарадорликни ошириш учун қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

• Корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлашга таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш имкониятларидан тўла фойдаланиш ҳисобланади. Бунда маҳсулот ҳажми корхонанинг техника билан таъминланиш ва ишлаб чиқаришда янги техникалардан фойдаланиш даражаларига, айланма маблағлардан фойдаланиш даражасига, бу жараёнда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришига, ихтисосланишига, ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади. Бугунги кунда корхоналар фаолиятини бозор талабига мослаштириш, айниқса истеъмолчилар талабларини ўрганишни жорий қилиш самарадорликни ошириш асосий вазифа саналади. Корхона фаолиятини амалга оширишда ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга оширишни тавсия этилади:

- фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
- корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шаклларини қўллаш.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Абдурахмонов Қ.Х. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. — Тошкент: «Иқтисод-Молия», 2021.
2. Холмўминов Ш.Р. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари. — Тошкент, 2020.
3. www.google.uz
4. https://stat.uz/img/press-relizlar/registr-press-reliz-01_11_25-uz-cyril_p88719.pdf

УДК: 658.15

**КОРХОНА АСОСИЙ ФОНДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ**

**СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОСНОВНЫХ ФОНДОВ ПРЕДПРИЯТИЯ**

**SOCIO-ECONOMIC EFFICIENCY OF IMPROVING THE USE OF FIXED ASSETS OF
AN ENTERPRISE**

Ахмаджонов Содиқ Солиевич

Андижон давлат техника институти “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада корхоналарда асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тадқиқ этилган. Асосий фондлардан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш ва корхона рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, асосий фондлардан самарали фойдаланиш аҳолининг бандлигини ошириш, иш ҳақи даражасини яхшилаш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Калит сўзлар: асосий фондлар, самарадорлик, корхона, ижтимоий-иқтисодий самара, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш, рақобатбардошлик

В статье рассматриваются вопросы повышения эффективности использования основных фондов на предприятиях и их социально-экономическое значение. Рациональное использование основных фондов способствует увеличению объемов производства, снижению себестоимости продукции, росту производительности труда и повышению конкурентоспособности предприятия. Кроме того, эффективное использование основных фондов положительно влияет на уровень занятости, рост заработной платы и укрепление социальной стабильности.

Ключевые слова: основные фонды, эффективность, предприятие, социально-экономический эффект, производительность труда, производство, конкурентоспособность

This article examines the issues of improving the efficiency of using fixed assets in enterprises and their socio-economic significance. Rational utilization of fixed assets contributes to an increase in production volume, reduction of production costs, growth of labor productivity, and enhancement of enterprise competitiveness. In addition, effective use of fixed assets has a positive impact on employment growth, improvement of wage levels, and strengthening of social stability.

Keywords: fixed assets, efficiency, enterprise, socio-economic effect, labor productivity, production, competitiveness